

Ishonch

Ўз вужудингга
тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен,
ўзунгдин истагил.

Алишер Навоий

2020 йил 15 сентябрь • сешанба • № 101 (4386)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Энергия ресурсларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича яхлит онлайн тизим яратилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 сентябрь кuni электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Электр энергияси ва табиий газ ҳаёт ва иқтисодиёт учун жуда зарур ресурслардир. Бу тармоқлар инфра-тузилмаси узоқ йиллар модернизация қилинмагани сабабли уларни етказиб беришда йўқотишлар кўп эди. Ҳисоб-китобни жой-жойига қўйиш учун автоматлаштирилган тизимлар зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хусусан, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилган 7 та туман ва шаҳарда тўловлар ундирилиши 40 фоизга ошган, дебитор қарздорлик эса 20 фоизга қисқарган. Ушбу тизимни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Йиғилишда электр энергияси ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини тўлиқ жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бу мақсадлар учун қарийб 1,2 миллиард доллар маблағ йўналтирилмоқда.

Бу маблағларнинг натижадорлиги ва қайтими фақатгина ҳисоблагичларни ўрнатиш билан ҳал бўлиб қолмайди. Истеъмолчи сарф қилган энергия ресурси ҳажмини билиш билан тизимдаги йўқотишлар ва ўғирликларга чек қўйиб бўлмайди. Бунинг учун «энергияни ишлаб чиқарувчи – магистрал тармоқлар – тақсимлаш тармоқлари – истеъмолчи» жараёнларининг ҳар бир занжирини қамраб олувчи яхлит онлайн тизимни яратиш керак, – деди давлат раҳбари.

Ҳамма жойда ҳисоблагичлар ўрнатиш, уларга хизмат кўрсатадиган сервислар ташкил этиб, узлуksиз ишлашни таъминлаш, малакали кадрлар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳокимлар, сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари аҳоли билан ҳар кuni ишлаб, қарздорликни вақтида тўлаш, тармоққа ноқонуний уланишларнинг олдини олиш бўйича тушунириш ишларини кучайтириши лозимлиги қайд этилди.

Бугунги кунда жойларда қарийб 4

миллион дона электр энергияси ҳисоблагичи ўрнатилиб, шундан 2 миллиондони ягона электрон базага уланган. Йиғилишда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига йил якунигача яна 3,5 миллион дона электр ҳисоблагич ўрнатиб, 2021 йил 1 мартга қадар автоматлашган тизимни тўлиқ ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, йирик истеъмолчи ва тадбиркорлик субъектлари, тақсимлаш пункти ҳамда трансформаторларга электрон ҳисоблагичлар ўрнатиб, уларни ҳам ягона электрон базага улаш бўйича топшириқ берилди.

«Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти жорий йил якунигача аҳолига 1,2 миллион дона, келгуси йилнинг биринчи ярмида яна 2,3 миллион дона замонавий газ ҳисоблагич ўрнатиши зарурлиги таъкидланди.

Бунда, биринчи навбатда, табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган 22 та туман ва шаҳар қамраб олинади. 4 мингдан зиёд йирик истеъмолчилар, газ қўйиш шохобчалари ва ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, 850 та иссиқхона автоматлаштирилган тизимга уланади.

Энергетика вазирлигига ҳар бир туман, шаҳар кесимида ҳисоблагичларни етказиб бериш, ўрнатиш ва тизимга

улаш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш топшириғи берилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ҳудудларда ишчи гуруҳлар тузиб, маҳалла раислари билан биргаликда аҳолига ҳисоблагичлар ўрнатишни ташкиллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш вазифаси қўйилди.

«Худудий электр тармоқлари» ҳамда «Худудгазтаъминот» жамиятларининг техник ходимлари ва IT мутахассисларини ушбу замонавий тизим билан ишлаш, унинг барча имкониятлари ва қулайликларидан самарали фойдаланиш бўйича малакасини ошириш кераклиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудудда ҳисоблагич ва бошқа ускуналарни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш тизимини яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр энергияси ва табиий газдан дебитор қарздорликни камайитириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Тармоқ раҳбарлари электр энергияси ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот қилди.

ЎЗА

Янги ўқув йили бошланди АММО ВАЗИЯТ МАСЪУЛЛАР ЎЙЛАГАНДЕКМИ?



2-3



КУН
НАФАСИ



Душанбе шаҳрида «Ўзбекистон ва Тожикистон етакчиларининг дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончлини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, ўзбек-тожик стратегик шериклигида янги саҳифа очилиши» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев ҳамда Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТКА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жемалеттин Туней ўрта-сида мулоқот бўлиб ўтди.



Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё 11-халқаро «Етакчилик ва волонтерлик – Тараққиёт тарихи» конференцияси доирасида «Самарқанд тарихий обидаларига йўл» волонтерлик акцияси якунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида «Заҳириндан Муҳаммад Бобур» номидagi махсус стипендия ҳамда кўкрак нишони жорий этилиши тўғрисида Ўзбекистон Миллий гвардияси кўмондонининг буйруғи имзоланди.



Коронавирусга қарши курашда ҳамкорликда ишлаш учун юртимизга ташриф буюрган россиялик мутахассисларнинг бир гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида ҳам бўлди.

Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов «103» тез тиббий ёрдам хизмати тизими бўлимларига янги хизмат автомашиналари топширди.

«Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонасида «Бойсун-лано» масъулияти чекланган жамияти қўй жунидан ланолин бирикмаси ишлаб чиқарадиган замонавий корхонани ишга туширди.

ЎЗА қабарлари асосида тайёрланди

Кун қаҳрамонлари учун саёҳат



4

Миннатдорлик

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Ихтисослаштирилган кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонасида маданий тадбир ўтказди.

ШИФОКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ҳанапиев бугунги оғир вазиятда касаллик ўчоғида эрта-юқумли кеч сикдқидилдан хизмат қилаётган, касбига садоқат ва фидойилик

билан ёндашиб, бошқаларга намуна бўлаётган тиббиёт ходимларига миннатдорлик билдирди. Ўз навбатида, тиббиёт ходимлари ҳам машаққатли ва маъсулиятли фаолиятла-

рида синовли онларни сабр-тоқат билан енгиб, ҳар бир беморнинг соғайиб кетиши учун бор билим ва тажрибасини ишга солиб курашишини алоҳида таъкидлади.

Абду РАҲМОНОВ



Тошкент
вилояти

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Қорақалпоғистон қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси мутахассислари маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда мавсумий ишчиларни йиғим-теримга жалб этишда меҳнат қонунчилигига, санитария-гигиена

Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди



талабларига қатъий риоя этиш ва бошқа долзарб масалаларга кенг тўхталинди.

Таъкидландики, Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилда 86 минг 291 гектар майдонга чигит қадалиб,

шундан 196 минг тонна пахта хомашесини етиштириш режалаштирилган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари сингари Оролбўйида ҳам пахта-йиғим терими бошланди. Етиштирилган «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмасдан териб

олиш мақсадида жойларда 1606 та отряд ташкил этилди.

Жорий йилги пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик мақсадида фермерлар, пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари иштирокида семинарлар ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикасида белгиланган тартибда 81600 нафар теримчи билан шартнома имзоланди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.



Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Тадбир

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН. ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қасаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерациянинг доимий этиборида!

Келгуси сонларда ўқинг...

Ер «қалқони» емирилмоқда

Мутелик ёт жонзот

Ёнимизда хавф, аммо биз бефарқ



Самарқанд вилояти

...Бу кунни ҳаммадан ҳам ўқувчи ёшлар интиқиб кутгани айна ҳақиқат. Ахир, олти ойдири, қадрдон дарғоқ қопқаларига қулф урилганди-да...

Кечикаётган тест натижалари

Аммо кутилганидек дарслар гуриллаб бошланиб кетмади. Самарқанд вилоятида 1255 та мактабнинг 32 тасидигина 14 сентябрь кунни дарс жараёнларини расман бошлашга рухсат этилди. Қолган мактабларни санитар меъёрларига хос жиҳозлашнинг тўлиқ амалга оширилмагани, ҳудудлардаги эпидемиологик вазият ноҳушлиги ва бошқа сабаблар боис, дарсларга бир неча кундан кейин киришилиши айтилмоқда.



Наманган вилояти

Жараён ҳамон ўлда-жўлда

Бундан бир неча кун илгари Наманган вилоятидаги 12 та мактабда синов тариқасида ўқув дарслари бошланган эди. Анъанавий машғулотларга 4,5 минг нафардан ортиқ ўқувчи қатнашган. Вилоят халқ таълими бошқармаси берган маълумотларга кўра, 9 сентябрда яна 16 та мактаб ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 11 сентябрда уларнинг сони 24 тани ташкил этган.

Аммо... ўқув йили бошланишига икки кун қолганида айрим ота-оналарнинг кўл телефонига «Коронавирус билан касалланганлар сони бирдан кўпайиб кетгани туфайли анъанавий ўқиш тизими номаълум муддатга қолдирилмаган бўлди, душанба, яъни 14 сентябрдан он-лайн дарслар бошланади», деган хабар келди.

«Ҳозирги шароитда интернет жуда керак. Утган ўқув йилида ҳам болаларимиз он-лайн дарсларни ўтказиб юбориб, умуман ўқишгани йўқ. Мурожатларимизга интернетга улаш учун сим йўқ, одам йўқ, вақт йўқ, деган баҳоналар билан улаб беришмаяпти», дея он-лайн ўқишдан «безишган»ни баён қилса, Уйчи туманидаги Еркатай қишлоғи аҳли чироқ номига Борлигидан, қишн-ёзин кечаси шам ёруғида ўтиришдан мунтазам шикоят қилиб келишмоқда. Энди ўзингиз ўйланг, шундай шароитдаги ҳудудларнинг мактаблари карантин талабларига жавоб бериши мумкинми?

ларнинг умумий аҳволи билан танишиш мақсадида ушбу мактабларнинг айримларида бўлди. 4-, 31-, 40- ва 45-умумтаълим мактабларининг кириш эшигида дезинфекция воситалари қўйилган, аммо ҳеч бир синф хоналарида қўл ювиш учун махсус бурчаклар йўқ. Синфларда ўқувчилар яқка тартибда, оралиқ масофа сақланган ҳолатда ўтириши керак, дейилишига қарамай, ўриндиқлардан икки киши жой олган. Мактаб ташқарисига эса номига қўлни хўллаб олиш учун ювиш воситалари ўрнатилган.

Зўрма-зўракилик билан бошланган ўқув йилида ҳали-ҳануз дарсликлар билан тўлиғича таъминланмаган Наманган шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчилари эса ота-оналарга электрон дарсликлардан бўлак китоб бера олишгани йўқ.


Хуллас, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Уйлаб қолсан киши – бу аҳволда болаларнинг билим савияси қандай бўлади?



Орзуғул РУСТАМОВА, «ISHONCH»



Нурилло ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Андижон вилояти


«Сариқ»лар ўрнига «қизил»лар...

ёхуд ўқув йили очилишидаги пала-партишлик хусусида

Мактаблар сентябрдан ўз фаолиятини анъанавий шаклда тиклашни истайсизми? Айни саволга Андижон шаҳридаги 10-мактаб томонидан ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида ўтказилган сўровномада иштирокчиларнинг 71 фоизи «Ҳа!» деб жавоб қайтаришди. Қолганлар эса фарзандлари ҳозирча он-лайн шаклда таълим олиб туришини маъқуллашди.

Таъкидлаш жоизки, мактаб маъмурияти фаолиятини пандемия даврида ишлаб чиқилган вақтинчалик санитария-эпидемиологик талаблардан келиб чиқиб ташкил этишга пухта тарадуд кўрди. Таълим даргоҳида 649 нафар ўғил-қиз тахсил олади. Аввало, муассасага қатнаш истиғини билдирган ўқувчиларни икки навбатда ўқитиш режаси тузилди. Ҳар бир синфда ўртача 15 нафардан ўқувчини ўқитиш, уларни парталарга яқка-яқка ҳамда зиг-заг тарзида ўқишнинг ҳисоб-китоби олинди.

Ўқув йили бошланиши олдиндан маҳаллий ҳокимлик ҳисобидан 45 литр микдорда антисептик воситалар, икки дона пирометр, хлор ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун маскалар етказиб берилди. Мактаб жамоаси эса касалликдан сақланиш учун мутахассислар ниманики тавсия қилишгаётган бўлса, барча зарур жиҳатларга чора кўрди ҳисоб. Асосийси, дарвоза олдида жойлашган қоруволхона белгиланган тартибда жиҳозланиб, махсус изоляторга



Андижон вилояти

айлантирилдики, эрта-бир кун эшик олдида филтрдан ўтаётган ўқитувчи ё ўқувчилардан бирида касаллик аломатлари сезилгудек бўлса, улар ичкарига қўйилмай дарҳол изоляторга олинади. Айни пайтда муассаса уч хил тоифанинг ўртасида – «сариқ» мактаб мақомида турибди. Яқиндагина коронавирусга тест топширган педагог ва техник ходимларнинг таҳлил натижаларига қараб «яшил» ёки «қизил» тоифага ўтказилади ҳамда мактабни очиш ёки очмасликка қарор қилинади. Қисқаси, мактаб ўқув йилига шай.

Шаҳардаги 25-мактабда эса қизик жиҳат кузатилади. Муассасада 841 нафар ўқувчи тахсил олади. Ўқитувчилар шу йил 3 сентябрь кунни ёппасига тест топширишган. Устозларнинг 3 на-

фарида касаллик аломатлари сезилган бўлиши боис, уларга уйда ўзини яқкалаши ва мактабга келмаслик тавсия этилган. 5 сентябрь кунни таҳлил натижалари эълон қилиниб, мактабни очиш мумкин, деган хулоса берилган. Шунга кўра, ҳар бир секторда намуна тарзида иш бошлаган муассасалар қатори 25-мактабда ҳам 7-12 сентябрь кунлари қарийб барча синфларга дарс ўтилган. Бугунга келиб эса мактаб «қизил» тоифага ўтказилди ҳамда фаолиятини вақтинча тўхтатиб туришига қарор қилинди. Чунки 3 сентябрь кунни тест топширган ва мактабга келмаслик тавсия этилган ўша 3 нафар ўқитувчи чиндан-да коронавирусга чалинган экан... Қуласизми, куясизми?

Ростанам ажабланирми-да: дарс жараёнлари бошланишидан аввал жамоада аъзоларидан касаллик чиқиб, «қизил» тоифага ўтказилса-ю шунга қарамай ўқишга рухсат берилса?! Тагин бир ҳафтадан сўнг мактаб ёпилса?! Намуна сифатида очинга қарор берганлар хавф билан ўйнашиш ўрнига «яшил» тоифадаги бошқа бир муассасани тавсия қилиши бўлмасми?

Шунга қарамай, бир ҳафта давомида мактабга ўқувчиларни қабул қилиш жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилинди. Антисептик ҳамда бошқа зарур воситалардан ўрни-ўчонда фойдаланилди.

– Ота-оналар ҳам масъулиятни ҳис этишлари, фарзандлари ва атрофдагиларни хавфга қўймаслигига ҳам кўп жиҳатлар боғлиқ эканини тажрибадан ўтказдик, – дейди 25-мактаб директори



Дилфуза Аҳмадалиева. – Қай бир кун эрталабда дарвоза олдида тиббиёт жодими «фильтр»дан ўтказилаётган бошлангич синф ўқувчиларидан бирининг иситмаси баланд эканини айтиб қолди. Ўқувчини мактабга буниси кузатиб келган экан. Дарҳол ортага қайтариб, поликлиника билан боғландик. Суриштирсак, боланинг онаси уйда икки-уч кундан бери иситмалаб ётган экан. Шунга ўхшаш ҳолат ҳафта давомида бошлангич синф ўқувчилари орасида яна икки марта кузатилди...

Ота-оналардан фарзандлари маска тақишлари ва ёнида антисептик суяқлик олиб юришлари талаб қилинмоқда. Хусусан, ҳар бир ўқувчи кунига уч марта ниқобни алмаштириши қоида сифатида жорий қилинган. Битта ниқоб нархи ўртача 1 минг 500 сўм экани инobatта олинса, ота-она бир ойда бир ўқувчи

учун фақатгина ниқобнинг ўзига ўртача ҳисобда 120 минг сарфлайди. Йўғон чўзилиб, ингичка узилаётган айна шароитда кам таъминланган оилаларга шунингча, маҳаллий бюджет ҳисобидан мактабларга – кам таъминланган оилалар фарзандлари учун етказиб берилган ниқоблар сонини кескин кўпайтириш зарур. Касалликнинг олдини олишнинг бирламчи омили ниқоб тақиш ва ижтимоий масофа сақлаш эканини ҳисобга олсак, мутасаддилар айна тақлиф учун бизни айблашмас керак!

Ўқув йилига тайёргарлик арасида мактаб раҳбарларининг бошини қотирган яна бир масалага тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Қарийб барча ҳудудларда тарадуд жараёнини ўрганган санитария-

эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутасаддилари деярли ҳар бир синфда қўл ювиш мосламаси бўлиши шарт, деган қоида оғзаки равишда жорий қилди. Шундан кейин Андижон вилояти марказидаги қадимий темирчилик расталаридаги хунарманд-дўқондорларнинг иши юришди-юршиди-ей: баҳоси ўртача 130 минг турадиган – рух тунуқадан ясалган мосламаларнинг нархи бир хилда – 230-250 минг сўмга чиқиб кетсами? Қўли-қўлига тегмай қолган темирчиларнинг «мис товоққа чиққани»ни айтинг: «Вақтим йўқ! Келаси ҳафта келинг! Нархини бир сўм ҳам туширмаймиз...»

Топшириқ бажарилмаса бўлмайди: қай бир директор чўнтагидан, яна кимлардир ота-оналарнинг ҳомийлиги асосида мосламаларни харид қилишга мажбур бўлди.

Мана, каранги, пандемия даврида мактаблар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ санитария-эпидемиологик талабларида айнан ҳар бир синфда қўл ювиш воситаси бўлиши шарт, деган қоида йўқ экан. Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ҳам бундай талаб қўймаган. Фақат «1-синф ўқувчилари учун хоналарга ўрнатилса маъқул бўлади, бу уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишда қўл келиши мумкин», деган мазмунда тавсия берилган, холос.

Кузатувлар вазирилик ҳамда ҳамкор идоралар томонидан ўқув йилига тайёргарлик олдиндан барча учун бирдек – пухта ўйланган, яхлит, ўзгартирилмайдиган, умумлаштирилган тартиб-қоидалар ишлаб чиқилмаганини кўрсатмоқда.

Хулоса эса ўзингиздан... Нурилло НУЪМОНОВ, «ISHONCH»

БОШЛАНДИ ЎЙЛАГАНДЕКМИ?

синф ўқувчилари анъанавий таълим шаклига жалб қилинмоқда, айрим вилоятларда эса синфларнинг турли вақтда ва навбатда ўқиши ташкил қилинган.

Мактаби фаолияти тикланмайдиган ёхуд анъанавий ўқишлар бошланиши учун тайёргарлик кўрилатган бўлса, ўқувчиларнинг «Онлайн-мактаб» лойиҳаси доирасидаги телевизион дарслар орқали дарсларда қатнашиши белгиланган.

Умуман олганда, ўзгарган режалар таълим тизимига қандай таъсир қилмоқда? Фаолияти таллабга жавоб беради, деб анъанавий дарслар бошланган мактаблар ҳолати қандай? «Онлайн-мактаб» лойиҳаси доирасидаги ишлар кўн-гилдагидекми?

Мана шундай саволлар билан «Ishonch» мухбирлари юртимиздаги баъзи мактаблар, ўқув даргоҳлари фаолияти билан танишди, ота-оналар, масъуллар билан мулоқот қилди.

Келинг, мулоҳазалар билан танишамиз:



Долзарб мавзу

«Оғир шароит» баҳонами?

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги умумтаълим мактабларининг ўқув йили очилишига қай даражада тайёр экани билан қизиқдик.

Туман халқ таълими бўлимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича методисти Шоҳида Имомованинг айтишича, туманда 19 та мактаб бўлиб, халқ депутатлари туман кенгаши, санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ўрганишларидан сўнг 4 та мактаб очилишига тайёр эмас, деб топилган. Қолган мактабларда ҳам ўрганиш даврида айрим камчиликлар аниқланиб, уларни тузатишга мўддат берилган. Туман ҳокимлиги 15 та мактабни ўқувчи сонига қараб масофадан туриб ҳарорат ўлчайдиган тепловизорлар, термометрлар, гигиеник воситалар, хлор, синф хоналарни ва коридорларни дезинфекцияловчи ускуналар билан таъминлаган.

Ўқув йили бошланишидан икки кун олдин тайёргарлик вазияти қандай кечётгани билан яқиндан танишиш мақсадида тумандаги 125-мактабда бўлди. Мактаб коридорлари болаларни масофа сақлашга оғохлантирувчи белгилар қўйиб чиқилган, маълум ораликда ниқобларни алмаштириш вақтлари ёзилган. Синфларда ҳам санитария бурчаги ташкил этилиб, тез-тез кўлни ювиш эслатилган. Ишлатилган ниқобларни ташлаш учун махсус идиш, қўл ювиш учун гел ва антисептик воситалари ҳозирлаб қўйилган. Мабодо, боланинг иссиғи чиқиб, ўзини ёмон ҳис қилса, уни бошқалардан изоляциялаш учун махсус изоляция хонаси ташкил этилган. Ҳар бир синфда қўл ювиш жўмраги ишлаб турибди. Дарвоқе, ушбу мактабда 119 нафар педагог коронавирус учун тест топширган ва ҳеч кимда касаллик аниқланмаган.

Маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокидаги ишчи гуруҳ келганида изоляция хонасидаги жўмрак ишлаётгани ва кириш эшиги битталиги аниқланган эди, – дейди мактаб директори Нилуфар Ҳожиматова. – Тегилли тавсиялардан кейин кириш эшигини иккита қилдик. Биринчи бошланғич синфлар, иккинчиси эса юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган. Жўмрак ҳам тузатилди. Халқ таълими бўлими ходимлари дезинфекциялаш ва антисептик воситалар, кам таъминланган оила фарзандларига беришимиз учун ниқоблар келтириб беришди. Коридорларимизда ҳам махсус идишларга антисептик геллар қўйиб чиқилган. Захирамизда бир ҳафтага ета-

диган миқдордаги – 50 литр антисептик гел, хлор, 500 дона ниқоб мавжуд. Бу масалада ҳозирча муаммо йўқ. Ҳар бир ўқитувчи термометр билан таъминланган. Уларнинг айримларини синф раҳбарларининг ўзи, бошқаларини эса ҳомийлар олиб беришган экан. Биринчи синфлардан ташқари қолган барча синфларда педагоглар онлайн таълим олаётган ўқувчиларнинг уй вазибаларини текшириши, уларни баҳолаши керак бўлади. Шу боис, биз информатика хонаси, у ерда интернет бор ёки йўқлигини суриштирдик. Мактаб директори бу хонанинг калити информатика ўқитувчисидан туришини айтиш билан чекланди. Замонавий русумдаги компьютерлар билан жиҳозланганини, бироқ интернет тезлиги пастлигини таъкидлади. Айтишча, педагоглар онлайн дарсларни текшириш учун ўз телефонларидаги интернетдан фойдаланишар экан. Дарвоқе, биринчи синф ўқувчилари 100 фоиз мактабга қатнапти. Муаллимлар эса ўқувчилар орасида масофани сақлаш учун уларни икки навбатга бўлиб ўқитаётган экан. Бу педагогларнинг ўзидан чиққан ташаббус эмиш.

Она тили, меҳнат, расм каби фанлар вақтинча ўқитилмаётгани боис бошланғич синф ўқитувчиларининг дарс соатлари ҳам қисқарган. Бу эса уларнинг маоши миқдорининг камайишига сабаб бўлмоқда. Ажабланирлик, биринчи синф ўқитувчиларининг масофани сақлаш мақсадида икки навбатда дарс ўқитгани уларнинг маошига ҳеч қандай таъсир кўрсатмас экан. Икки марта овера бўлаётган педагогларнинг меҳнатини қўшимча рағбатлантиришини иложи йўқми? Бу ҳолатни туман халқ таълими бўлими иккитасидан «оғир вазиятда ўзаро бир-бирини тушуниш» сифатида баҳолади ва ҳеч қайси ўқитувчи бундан норози эмаслигини маълум қилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: «Оғир шароитда» деб ўқитилмаётган дарсларга пул тўламасликка қарор қилган масъуллар қанчалик ҳақ? Ўқитувчининг оғир меҳнатини «оғир шароитда бир-бирини тушуниш» фониди ҳаспўшлаш билан иш битадими?



Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Сирдарё вилоятида 22 та мактабда анъанавий тарзда ўқув мавсуми бошланди. Қолган умумтаълим мактаблари очилиши 28 сентябргача босқич-ма-босқич етказилиши маълум қилинган. Унга қадар дарс машғулоти телевизион дарслар орқали амалга оширилади.

Шу муносабат билан вилоятнинг йирик тумани Боевуда бўлиб, халқ таълими бўлими мутасаддиларининг фикрини олдик:

– Аввало, мактаб фаолиятини давом эттириши учун ходимлар, хусусан, ўқитувчилар саломатлигини аниқлашни муҳим деб ҳисобладик. – дейди туман халқ таълими мудирини ўринбосари Фарҳод Атоуллоев. – 54 та мактабда 2 минг 66 нафар ўқитувчи ишлайди. 11 сентябрь санаси маълумотида барча ўқитувчилар вирусга текширув тести топширган. Ҳозирда 1 минг 31 нафарнинг жавоблари чиққан бўлиб, 3 та мактабнинг 5 нафар ходимида мусбат натижа қайд этилган.

Туманда 7-8 сентябрь кунлари синов режими ўтказилиб, 9-санада 4 та, 10-сентябрь кунини 5 та мактабда тажриба сифатида дарслар бошланди. Тузилган режага мувофиқ мактаблар очилиши сони ошиб бораверади. Дастлаб мактабларнинг янги ўқув йилига одатдаги тайёргарлик ишлари қандай бўлишига қараб қизиқдик. Маълумотлар шундай: 52-умумтаълим мактабиде реконструкция ишлари давом эттирилмоқда. «Ширин» МФЙда жойлашган 51-умумтаълим мактабига қўшимча янги бино қурилган. Қолган мактаблар ҳам таъмирланган.

Туманининг янги аҳоли массиви – «Қаробчи» ҚФЙ учун 315 ўринли 55-мактаб биносини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. «Бобоюрт» ва «Ифтихор» МФЙ ҳудудиди 19-, 39-мактабда сув таъминоти

Очиқ қолаётган масала

йўқ. Туман ҳокимлиги аралашуви билан қувур тортилиб, таъминотга уланди. Бироқ таъмирлаш ишлари ҳали охирига етмаган. Мутасаддилар бу иш ўқув жараёнига халақит бермаган ҳолда давом эттириляётганини таъкидлади.

Боевуда 21 минг 548 нафар мактаб ўқувчиси бор. Уларнинг 481 нафари сурункали касаллик билан туман тиббиёт бирлашмаси рўйхатига олинган. Уларнинг ота-оналарига масофавий таълим олиш тўғриси йўл экани ҳақида тушунтириш берилган. Пандемия ҳавфи юқори бўлган айни пайтда ёндоқ касаллиги бўлган, гипертония касаллигига чалинган ишловчи ходимлар ва ўқитувчилар ҳақида суриштирилганида уларнинг кўнглига тегишмайди деганида тушунтириш бериш билан нафақага кузатиш таклифи берилгани маълум бўлди. Айрим мактабларда уларнинг дарс соатлари қисқартирилиб, оммавий тартиб сақлашга жалб қилинган.

Муқимий номидаги МФЙга қарашли 11-умумтаълим мактаби 2015 йилда капитал таъмирланган. Бу йил ўқув йилига тайёргарлик кўриш давомида бўёқлар сурилиб, пардоз ишлари амалга оширилган. Айниқса, ўғил ва қиз болалар ҳолатхонаси гигиеник талабларга мослаштирилган. Мактаб биноси маҳалла ичиде жойлашган. Ўқувчилар қатнаб ўқиши учун анча қулай. Икки бинодан иборат мактаб 610 ўринга эга бўлиб, айни пайтда 516 нафар ўқувчи рўйхатга олинган. 2 навбатда ўқиш ташкил этилиб, ҳар навбат учун 12 та синф тўри келмоқда. Ўқувчиларнинг 248 нафари бошланғич таълим олади. Уларнинг 49 нафари 1-синфга қабул қилинган.

– Мактабимизда 48 нафар ўқитувчи бор, уларнинг вирусга текшириш натижалари манфий чиқди. Бирорта зарарланган хо-

дим аниқланмади, – дейди мактаб директори Жўрабек Эгамбердиев. – Маҳаллада зарарланиш ҳолатлари учраб турибди. Шунинг учун мактабда назорат тиббий постлари ташкил этдик. Мактаб ҳамшираси шу кунгача 0,5 ставкада ишлаган. Кун давомида олиб қолсақ ҳам барча назоратни олиб бориш имконсиз. Ҳозирча ўқитувчи тўхтатиб турилган 5 та фан ўқитувчиларини бунга жалб қилганимизда ишимиз бироз осонлашиши мумкин. Лекин тиббий кузатувни «эгалари»га топширган маъқул. Туман тиббиёт бирлашмасига сўров юборганимиз. Бу масала тез орада ҳал бўлса, ажаб эмас.

Ўқувчи мактабга қираётганида тана ҳароратини ўлчаш учун 3 дона янги тепловизор мавжуд. Ўқувчилар «синф режими» тартибда ўқиши, кўчиб юрмай дарслар бир синфда ўқитилиши тайёргарлик ҳолати яхши. Ораллиқни сақлаган ҳолатдаги юриш йўлакларни чизмалар билан белгиланган. Антисептик ва бошқа воситалар билан таъминланган. Синфхоналарга совун ва қўл ювиш анжомлари қўйилган. Тоза ичимлик суви захираси яратилган. Дарслар оралиғидаги танафус давомида ҳар бир синф учун мактаб ҳовлисида алоҳида майдонлар ажратилган.

Мактабнинг кириш қисмига кузатув камераси ўрнатилган. Бироқ камералар синф хонаси, бино йўлакларининг барча қисмларини кузатиш имконига эга эмас.

Ўқувчиларнинг 6 нафариде сурункали касаллик мавжуд бўлиб, уларга ҳозирча масофадан ўқиш усули тавсия қилинган. Мактабда ўқиш услубини тиклаш мақсадида ўтказилган сўровномаларда бор-йўғи 32 нафар бола масофадан ўқишни танлаган.

Туман халқ таълими мудир ўринбосари Ф.Атоуллоевнинг айтишича, борди-ю,

синф ўқувчиларининг кўпчилиги анъанавий таълимни танлашса, биринчи кунини синфнинг ярми ўқитилиб, қолган ярми иккинчи кунда дарс машғулотида келади. Мавзудан ортада қолмаслик учун келмаган кунларда онлайн дарс тинганиб, баҳолаш давом эттирилади. Айрим хоналардаги партиаларга бир хил рангдаги мато тўшаб қўйилганига гувоҳ бўлдик. Матонини ҳар кун ювиб тайёрлашганида ҳам иккинчи навбатда ўқийдиган болалар учун катта ҳавф туғдириши мумкин. Партиянинг ўзи бўлганида-ку, ҳар соатда ишлов бериб тозалашга имкон бўларди. Мактаб жиҳозини асраш яхши, ammo ўқувчи саломатлигини биринчи ўринга қўйиш керак эмасми?

Онлайн дарслар ташкил этишида мактаб устозлари қанчалик тайёр?

Маълум бўлишича, тумандаги ўқитувчилар ноутбук билан таъминланган. Қисқаси, марказдан четда бўлган оддий қишлоқ мактабда ўқув йилига яхши тайёргалик кўрилган. Лекин амалда булар нечоғли фойда бериши, кафолат беришини вақт кўрсатади. Чунки захир қилинган тиббий ниқоб етишмай қолганида, ҳарорати аниқланган болани тиббий пункт ёки ота-онасига ўз вақтида топширишда, ходимларни қайта тестдан ўтказиш, натижасини узоқ кутиб қолмаслик, сув, электр таъминотида узилиш билан талаблар бажарилмаслиги каби муаммолар ниқомлиги учун кимдир масъулиятни ўз зиммасига олиши, кафолат бериши зарур. Ҳозирча бу масала очик қолмоқда.



Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Фидойилик фурсати

Шу йил август ойида республикамиздаги барча мактабларда ота-оналар иштирокида сўровномалар ташкил қилиниб, уларнинг фикри ўрганилди. Ушбу сўровномада Яқкабоғ тумани аҳолисининг 98,8 фоизи дарсларнинг анъанавий тарзда ўқилишини ёқлаб муносабат билдирди.

Албатта, кўпчиликнинг яқдил фикри Халқ таълими вазирлиги мутасаддиларини ҳам беъзтибор қолдирмади. Халқ таълими вазирини Шерзод Шерматов Яқкабоғ туманида бўлганда ўқитувчилар билан учрашди. Баъзи мактаблардаги шарт-шароитлар билан танишди.

– Бугунги кунда туманимиздаги 102 та мактабнинг 16 тасида янги ўқув йили анъанавий ўқитиш усулида бошланди, – дейди туман халқ таълими бўлими бош методисти Муҳиддин Мирзасев. – Дастлаб 11 та мактабда синов тартибда анъанавий ўқиш бошланган бўлса, 14 сентябрь санасида яна 6 та таълим муассасасида дарслар йўлга қўйилди. Шу кунларда эса қолган мактабларда ўқишни бошлаш учун ҳамкор ташкилотларнинг хулосалари ҳамда туман кенгаши депутатларининг фикр билдиришларини кутяпмиз...

Чекка қишлоқларда интернетнинг яхши ишламаслиги сабабли ўқитувчи ва ўқувчилар учун онлайн услубдаги сабоқ қийинчилик туғдирди.

Вазият билан яқиндан танишиш мақсадида Фуржоб қишлоғида бўлиб, 37-мактабда тиббиёт ходимлари мактаб дарвозаси олдида ўқувчиларнинг иссиғини ўлчаб, ичкарига киргизишга танишди.

Мактаб педагоглари билан суҳбатда шу нарса аён бўлдики, таълим муассасасидаги 784 нафар ўқувчи-

нинг 50 нафари онлайн тарзда таълим олишни ёқлаган. Қолганлар эса белгиланган тартиб-қоидалар асосида анъанавий тарзда ўқишни бошлаган.

Биз дарс жараёни билан ҳам танишдик. Ўқувчилар ниқоб тақийшган. Улар билан антисептик восита ҳамда қайнаган сув олиб келишганини ҳам кўрдик.

Танафус вақтида синфхоналарни шамоллатиш, ўқувчиларнинг қўлларини дамба-дам мактаб ҳовлисида жорий қилинган қўл ювишларида совунлаб ювиши, юрганда ораллиқ масофани сақлаш бўйича мунтазам назорат ва тушунтириш ишлари давом эттирилди.

Қаердаки бир ишга ҳамма жипслашиб ёндашса, кўзланган мақсадига албатта эришилади. Меҳнатнинг самараси эса кўрсаткичларда намоён бўлади.

Кўпчилик яқкабоғлик ота-оналарнинг нега анъанавий дарс ўқиш жараёни ёқлаб, муносабат билдиргани сабабини ҳам тушунгандек бўлди. Чунки улар боласи сифатли билим олиши учун карантиннинг қатъий тартибига риоя қилишга рози...

– Ўқитувчиларнинг пандемия даврида дарс ўқиши – бу шифокорларникидан кам бўлмаган жасорат, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Яқкабоғ тумани кенгаши раиси Алишер Хонназаров. – Улар нафақат ўз дарсини ўқитиш, балки шогирдларининг юриш-туришини, карантин қоидаларига



тўлиқ риоя этишини назорат ҳам қилиб боришади. Шуларни ҳисобга олиб, тумандаги таълим муассасаларига 2000 дона тиббий ниқоб, қўлқоплар ҳамда антисептик воситалар тарқатдик. Бунда бизга жойлардаги бошланғич ташкилотларимиз талабномалари асос вазифасини ўтади. Ижтимоий шерикликда гап кўп. Бизнинг ташаббусдан руҳланган туман халқ таълими бўлими ҳам таълим муассасаларига 736 та антисептик восита ҳамда 226 та ҳарорат ўлчайдиган «тепловизор» воситаси олиб берди...



Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»



Кун қахрамонлари учун саёҳат



Пандемия шароитида аҳоли саломатлигини мустақамлашга ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хоразмлик тиббиёт ходимларининг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳати ташкил қилинди.

Бугун юзага келган аҳвол барча учун ўзига хос синов даврига айланди, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Рашид Йўлдошев. — Шифокорлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Халқимиз уларни бежиз «Кун қахрамонлари» дея эътироф этмапти. Биз бундай фидойиларимиз меҳнатларини қадрлаймиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Вилоят

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига қарашли «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси жамоаси саёҳатчиларни иззат-ҳурмат ила кутиб олдилар. Тунги Самарқанднинг жозибага тўла кўриниши барчани ҳаяжонга солди.



Касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмасининг карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил этган саёҳатидан иш берувчилар ва ҳамкасбларимиз бениҳоя мамнун бўлди. Қадим ва ҳамиша навқирон Бухородан руҳий-маънавий куч-қувват олган соғлиқни сақлаш ходимлари навбатдаги манзил Шарқ гавҳари саналмиш — Самарқанд томон ошиқдилар.

нинг инсон саломатлигини мустақамлашда, узоқ умр кўришда аҳамияти катталиги такрор ва такрор эътироф қилинди. — Бугунги саёҳат кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди Кўшкўпир тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори Тўхтажон Собирова. — Ушбу саёҳатни уюштирган касабаси уюшмаларидан миннатдоримиз. Ғуборларимиз ариди, саёҳатдан улкан руҳий-маънавий қувват олдик.

— Сафаримиз бошқача кечди, — дейди Боғот тумани тиббиёт бирлашмаси лаборатория бўлими мудир Дилором Тожиёва. — Аввало, вақт тўғри тақсимланган, ҳам руҳий, ҳам маънавий озуқа олишимиз учун барча шароит яратилган. Сафар давомида Бухоро ва Самарқанднинг ўзига хос таомларидан баҳраманд бўлдик.

Таъқидлаш жоизки, Хоразм вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда аъзоларни мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан янада кенгрок таништиришга қарор қилди. Шу мақсадда бирлашма қошида «Касабаси саёҳат Хива» МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди.



Ички туризм

Ибн Сино тавсиялари

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асаридан бадантарбияга «Кишини чуқур ва кетма-кет нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракат» деб таъриф берилган. Аллома ўз замонасидаёқ бадантарбия билан шўғулланувчи одам касалликларнинг давосига муҳтож бўлмаслигини таъкидлаган. Масалан, кўкрак ва нафас аъзоларининг ҳаракатлари киши товушини гоҳ пасайтиради, гоҳ ўртача ёки кучли қилиб, оғиз, тилча, тил ва бўйиндаги аъзоларни ҳаракатлантиради. Кўзни майда буюмларга қараб, вақти-вақти билан юқорига тез-тез кўз югуртириш билан ҳаракат қилдирилади: Эшитишни жуда паст овозларни, баъзида кучли товушларни эшитиш билан тарбияланади.

Вужуд ҳам тарбияталабдир

СОҒЛИҚ УЧУН АФЗАЛЛИКЛАРИ:

- туғма иссиқликни оширади;
- танга енгиллик беради;
- тўғланувчи чиқиндиларни йўқоттади;
- хиллар тўпланишининг олдини олади;
- бўгин ва пайларни мустақамлайди;
- аъзолардаги тугунлар ечилади ва юмшайди.



майтиришлари керак. Ҳаракатнинг кўпини гавданинг юқори қисмига — бўйин, бош, қўлларга кўчириш лозим.

ТАЙЁРГАРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИМИ?

Машқларни бошлаш вақтида гавда тоза бўлиши лозим. Кеча ейилган овқат меъдада, жигар ва томирларда ҳазм бўлган, кейинги овқатни қабул қилиш вақти яқинлашган бўлиши керак. Ичак ва қовуқлар бўш бўлиши мақсадга мувофиқ.

ЧАПАК ЧАЛИШНИНГ ХОСИЯТИ

Биз бадантарбия деганда эрталабки машқларни тушунишга одатланиб қолганмиз. Лекин ибн Сино асарини ўқигач, ҳаётимизда бадантарбия сирасига кирувчи ҳаракатлар кўплигига гувоҳ бўламиз.

Ибн Сино наздида қуйидагилар бадантарбия турига киради:

- тез юриш;
- юқоридан бирор нарсага иргиб осилиш;
- бир оёқда сакраш;
- отда юриш;
- икки қўлни силкитиш;
- аргимчоқларда учиб;
- қайиқ ва кемаларда сайр қилиш;
- сакраш;
- чапак чалиш;
- коптоқлар билан ўйнаш;
- тош кўтариш;
- қувлашиш.

ФАСЛ ТАНЛАНАДИМИ?

Баҳорда: бадантарбия учун энг мувофиқ вақт тушга яқин бўлиб, ўртача ҳароратли уйда қилиниши керак. Ўзда: бадантарбия эрта-роқ вақтга кўчирилади. Қишда: кечқуригисига фойдали.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АЙТАДИКИ...

Бадан тарбия бош мия, ички органлар, бўғимлар, нафас йўллари, юрак қон-томир фаолияти, моддалар алмашинуви учун кони фойда. Машқлар сколиоз, умуртқа чурраси, остеохондроздан ҳимоялайди. Шунингдек, иммунитетни кўтаради, руҳий зўриқишни бартафат этади. Кун бўйи ўтирган ҳолда ва компьютерда ишловчилар учун айни мудоаа. Чиройли қомат, тери ва сочлар жилокорлиги, ёш кўринишга интирилган аёллар учун ўта зарур. Бадантарбия иштаҳани очади, кайфиятни кўтаради, меҳнат унумдорлигини оширади.

Машқлар бажариш вақтида қон айланиши фаоллашгани бос, тўқималар ксилород билан тўлиқ таъминланади. Бош миядаги етарлича ксилород диққатни камлаш, хотира, тафаккур қобилиятларини рағбатлантиради. Тонгда бадантарбияга одатланган касалликларга чидамли, тунда яхши ухлайдиган, мактабда аъло баҳоларга ўқийдиган бўлади.

Дурдона АЛИМОВА тайёрлади

Тоғли Бахмал кўйида ишчи оиласида тарбия топган Ҳамида Бобокелдиева тиббиёт институтини тамомлагандан буён Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонасида ишлаб келади. 27 йиллик меҳнат фаолияти давомида Қосим Абдусаломов, Алижон Абдуазизов, Саримсоқ Қосимов сингари устозларидан билмаганларини ўрганди. Бугун фарзандлари Камола ва Дурдона Самарқанд тиббиёт институтининг 2-босқич талабалари.

Касалхона деразасидан атрофни кузатиб турган Ҳамида опа бехосдан олтин рангли баргнинг пирпираб ерга тушганга кўзи тушди. «Тавба, кечагина яшил тусда эди, қачон сарғайишга улгурди-я. Демак, куз келибди... Кўринмай кўйган булутлар суруви қайдандир пайдо бўлиб, кўёш юзини тўсатгани-чи?»

Кечагина баҳорнинг яшил-лигидан завқланган Ҳамида опа бу ҳолатдан бироз маъю сланди. Ўйлаб қараса, инсоният бошига кулфат олиб келган «тождор вирус» учинчи фаслнинг ҳам юзини кўрибди. Ўтган ярим йил давомида касалхонага қанчадан-қанча беморларнинг илтижоли кўзлари билан

тўқнашди. Қани эди сеҳргар бўлса-ю бу кўринмас балони таг-туғи билан, бир ишора билан даф қилса. Уруш вақтлари жангчилар дайди ўқдан ўзини ҳимоя қилиш чорасини кўрган. Бугун бу бало қай тарафдан келишини билмайсан киши.

Ҳаёл суриб турган Ҳамида опа турган хонанинг эшиги очилиб, шоғирди Шерзоджон шошилганча кириб келди. — Ҳамида Эргашевна... Кўшини палатадаги беморнинг аҳволи оғирлашди. Шахсий ҳимоя воситаларини ечишга ҳам улгурмаган Ҳамида опа тезгина кўшини палата томон йўл олди. Беморнинг аҳволи чиндан-да оғир эди.

Шерзоджон, беморга сунъий нафас олиш аппаратини уланг. Бемор мустақил нафас ололмапти. Коронавирус инфекцияси ўпкага таъсир қилмоқда...

Ҳамкасбини ҳаяжон босдимни ёки тажрибасизлик қилдимни бироз довдираётганини кўрган Ҳамида опа унга қарата: — Шифокор ҳар қандай ҳолатда ўзини йўқотмаслиги керак, — дея далда берди. Даволовчи шифокорларнинг тез-тез ал-


машиб турилиши беморлар томонидан салбий қабул қилиниши сабабли уларнинг ёнига яна биттадан ёрдамчи шифокор қўйилган. Чунки бир шифокор — бу битта фикр, беморга нисбатан биргина нуқтаи назардир. Гарчи, шифокорлар стандартларга мувофиқ даволаса-да, шифокор тез-тез ўзгариб турса, беморларга мослашиш барибир қийин кечади. Шунинг учун, эҳтимол, беморларнинг қўлайлиги учун ёрдамчи шифокорларни қўйиш энг мақбул ечим. Буни Ҳамида опа ўз тажрибасидан билади.

Айнан шунга кўра она Шерзоджонга далда берди.

БУРЧГА САДОҚАТ (Очерк)

— Барча беморларда пневмония, турли даражадаги ўпка шикастланиши бор. Баъзилар ксилород етказилишига муҳтож бўлади, ана шунда сунъий нафас олиш ускунасини уланг. Нормал ҳолатда одам 100 фоиз нафас олади. Агар, ўпканинг 80 фоизи зарарланган бўлса, беморда нафас олиш учун кичик бир парча қолади. Бу организм учун етарли эмас, шунинг учун марказлаштирилган ксилород таъминоти ўтадиган ксилород катетерини улаш керак. Бемор нафас олади, унинг қондаги ксилород миқдори кўтарилади, нафас қисилиши камаяди.

Утган олти ой давомида ходимлардан ҳеч қандай шикоятлар бўлмади. Уларнинг барчаси: шифокорлар, вирусологлар, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар ўз бурч ва мажбуриятларини бекам-у кўст адо этишди. Гарчи, уларнинг кўзларида чарчоқ аломати бўлса ҳам. Ҳамида опа кўшини хонадаги беморлардан ҳам ҳол сўради. Улар орасида ётган



Сайёра исмли жувон бундан ўн кун бурун келган. Келган вақтида тана ҳарорати баланд бўлиб, нафас олиши қийин эди. Шифокор-у, ҳамшираларнинг саъй-ҳаракати билан унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

— Ҳароратингиз яхши — 36,6°. Сайёраҳон ўзингизни қандай ҳис қиласиз? Жувон табиатан ўзи шўх эди. Эътибордан хурсанд ҳолда: — Раҳмат доктор. Борларингизга шукр! — дея хушчақчақлик билан жавоб берди...

Йўлак бўйлаб кета туриб бехосдан қўл телефони жиринглади. Қараса, турмуш ўртоғи Холмат ака экан. Юраги алланечук бўлиб, кўкрагидан аччиқ бир нарса отилиб кетгандек бўлди.

Ахир у яқинлари билан фақат телефон орқали боғланади. Оила аъзолари билан ҳеч қандай учрашув йўқ. Бу ерда ишловчи тиббиёт ходимларнинг яқинлари ўзларини қандай ҳис қилишларини сўраб туришади.

— Онаси, яхшимисан? — Раҳмат, — дея ўзини бардам тутишга уринди Ҳамида опа.

— Телефоннинг «имо»сини ёқ. Камола билан Дурдона ҳам гаплашмоқчи.

Улар бир-бирини кўриб, гапни нимадан бошлашни билшмади. Боиси, бир-бирларини жуда-жуда соғинишган эди-да... Қисқа суҳбатда ўзини зўрға тутиб турган Ҳамида опа беморларга қарашини баҳона қилиб, телефоннинг ўчириш тугмасини босди. Дераза ёнига келганча унсиз йўғлади. Буни кўрган кўёш юзини тўсган булутлар ҳам унга қўшилиб кўзёшини тўқди...

Мўқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

КИМЛАРГА ТАҚИҚЛАНАДИ?

Оёқ веналарининг кенгайиш касаллиги билан оғриган оёқни кўп ҳаракат қилдиришни талаб қилувчи бадантарбия билан шўғулланмагани маъқул. Улар оёққа босимини ка-

Эълонлар

Янгийўл шаҳри Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Ахунов Отабек Ойбекович номига Янгийўл шаҳри, «Наврўз» даҳаси, 3-уй, 68-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади. Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Чинжигитов Усенбек номига Янгийўл тумани, «Қоратепа» МФЙ, Қоратепа кўчаси, 76-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади. Янгийўл шаҳри Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Адилова Дилфуза Хурсанбаевна номига Янгийўл шаҳри, «Вокзал олд» кўчаси, 1-уй, 6 «Б» хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-0002

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улғубек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚҮЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темир МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари — «Ishonch-Доверие» бўйича), Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб — «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб — «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касабаси уюшмалари хайъати — (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт — (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22 Андишон вилояти — (+998-99) 889-90-23 Буюртма вилояти — (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44 Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»да олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри таҳрирнинг нусхасидан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов

Мусахҳиллар: С. Шодиева, З. Холмухаммедова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти — 22:55
Топширилди — 23:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г — 917. 27841 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳоиси келишилган нарҳда

Манзилнинг: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета хайъатининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида териди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажоннасида «оп» этилди.

Корона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳрирнинг қисомакчиси: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «protoka bank» Ляшобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130